

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА СИБИРЬ ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР (Ҳ. ЗИЁЕВ АСАРЛАРИДА)

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова,
Ўзбекистон Миллий Архиви бўлим бошлиғи

For citation: Shakhnoza A. Abdurahimova. History research embassy relations between the Kokand khanate and siberia (in the work of Kh. Ziyaev). 2019, vol. 1, issue 13, pp. ____

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-16>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мақолада Сибир ўлкаси билан Қўқон хонлиги ўртасидаги элчилик алоқалари тарихига оид тарихчи олим Ҳ.Зиёевнинг тадқиқотлари таҳлил этилган. Хамид Зиёев асарларида маҳаллий тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган, ноёб архив манбаларини илмий истеъмолга киритганлиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: элчилик, савдо, Сибир, Қўқон хонлиги, генерал-губернатор, султон, жуз, карвон, оқсақол, император, элчи

ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ИСТОРИИ ПОСОЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИИ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА С СИБИРОМ (В ПРОИЗВЕДИНИИ Х. ЗИЯЕВА)

Шахноза Асатуллаевна Абдурахимова,
Заведующий отдела Национального архива Узбекистана

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются исследования ученого-историка Г. Зиева об истории посольских отношений между Сибирским регионом и Кокандским ханством. Пчеловоды Хамида Зиёева описывают использование редких архивных исследовательских ресурсов местными исследователями.

Ключевые слова: посольство, торговля, Сибирь, Кокандское ханство, генерал-губернатор, султан, джуз, караван, старейшина, император, посол.

HISTORY RESEARCH EMBASSY RELATIONS BETWEEN THE KOKAND KHANATE AND SIBERIA (IN THE WORK OF Kh. ZIYAEV)

Shakhnoza A. Abdurahimova,

Head of Department of the National Archive of Uzbekistan

ANNOTATION

The article analyzes the research of the historian G. Ziyoyev on the history of embassy relations between the Siberian region and the Kokand khanate. Beekeepers Hamid Ziyoyev describe the use of rare archival research resources by local researchers.

Key words: embassy, trade, Siberia, Kokand khanate, governor general, sultan, juz, caravan, elder, emperor, ambassador.

Ўзбек давлатчилиги ва дипломатияси тарихида ўз ўрнига эга бўлган Қўқон хонлигининг турли давлатлар билан олиб борган ташқи сиёсати [1— Б. 40] тарихи, хусусан Россия билан алоқалари [2 — Б.462-469] бир қатор тарихчилар [3— Б.65] томонидан ёритилган. Шунга қарамасдан[4], ҳалқаро алоқалар тарихида кам ўрганилган мавзулар ҳам мавжуд. Жумладан, хонликнинг Россиянинг алоҳида ҳудудлари билан олиб борилган элчилик тарихи юқорида қайд этилган ишларда тўлиқ ёритилмаган. Қўқон хонлигининг Сибир, Семипалатинск, Петропавловск, Ирбит каби шаҳарлари билан савдо алоқаларини тадқиқ этиш орқали элчилик муносабатларини ҳамда ўша даврда яъни 1809 йилда босиб олинган Тошкентдаги илк ярмаркаларнинг очилиши ва уларнинг фаолиятини ёритишда тарихчи олимлардан бири таниқли олим, маърифатпарвар инсон, профессор Ҳамид Зиёев катта хисса қўшган.

Ҳамид Зиёев ўз асарларини яратишда тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган, ноёб архив манбаларини илмий истеъмолга киритишга

ҳаракат қилган [5 - Б.39-40]. Буларни олим изланишлар олиб борган архивларнинг қуйидаги рўйхати орқали ҳам яққол кўриш мумкин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Марказий давлат архиви (Тошкент);
- 2) Россия қадимий ҳужжатлар Марказий давлат архиви (Москва);
- 3) Россия тарих музейининг архиви (Москва);
- 4) Россия ҳарбий тарих Марказий давлат архиви (Москва);
- 5) Тюмень вилояти давлат архиви;
- 6) Тобольск давлат архиви;
- 7) Омск вилояти давлат архиви;
- 8) Томск вилояти давлат архиви;
- 9) Ирбит давлат архиви;
- 10) Астрахан вилояти давлат архиви ва бошқалар.

Рўйхатдан кўришиб турибдики, олим нафақат йирик марказий архивларда, балки аксарият тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб кетган ҳудудий шаҳар архивлари манбаларини ҳам ўз илмий ишларига жалб этишга алоҳида урғу берган. Ҳамид Зиёев кўп йиллар мобайнида Россиянинг турли чеккаларида 20 дан ортиқ архивларда ишлаб, ўзбек халқи, умуман юртимиз тарихи бўйича йирик асарларни чоп этган кам сонли олимлардан бири эканлиги ҳамма маълум [5 - Б.50].

Олим ўзининг “Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиши” деб носланган асарида Қўқон хонлигининг элчилик алоқалари тарихига алоҳида тўхталиб ўтгандир[6].

Асарда Россия билан Ўрта Осиё хонликларининг элчилик ва савдо алоқалари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг асосий турмуш тарзи, савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, Сибирда яшовчи ўзбекларнинг олиб борган ҳаёт тарзи ёритилиб ўтилган. Шунингдек асарда XVIII асрнинг охирлари XIX асрнинг бошларида иқтисодий-сиёсий жихатдан анча кўтарилган Қўқон хонлигидаги хонларининг ҳукмронлик даври алоҳида ёритилган бўлиб, ҳар бир хоннинг ўз даврида амалга оширган сиёсати, элчилик алоқалари, ички ва ташқи савдо муносабатлари, чегара ҳудудларини кенгайтириш сиёсати бўйича архив ҳужжатларига асосланган маълумотлар келтириб ўтилган.

Айнан Қўқон хонлиги ташкил топгандан сўнг Сибир билан ўзаро элчилик алоқаларининг тобора кучайиб борганлигини асарда кўришимиз мумкин. XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида шаклланди янги давлат — Қўқон хонлигига маҳаллий аҳоли вакиллари

бўлган минг уруғи асос солганлиги барчамизга тарихдан маълумдир. Хонлик таркибига: Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўнлаб шаҳарлар кирган [7— Б. 52]. 1809 йилда Тошкентнинг босиб олиниши Қўқон хонлиги ерларини анча кенгайтириш билан бирга, унинг сиёсий-иқтисодий жиҳатдан янада мустақамланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Чунки Қўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги муҳим савдо-ҳунармандчилик маркази Тошкентнинг ички ва ташқи савдосини бевосита назорат қилиш ҳамда карвон йўлларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган.

Муаллифнинг таъкидлашича, юқорида қайд этилган шаҳарлар орасида Қўқон шаҳри нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг йирик савдо марказларидан бири ҳисобланган. Асарда шунингдек, Қўқон бозорлари ўзининг маҳсулотларга бойлиги ва нарх — навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турганлиги ҳамда шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогарлар билан доимо гавжум бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни учратишимиз мумкин [8-Б.101]. Олим томонидан тадқиқ этилган Россия архивларининг манбаларида келтирилишича, XIX асрнинг 20-йилларида Қўқонда олтита бозор бўлиб, улар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу бозорларда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат қаттиқ жазога тортилган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашғар орқали), шимолда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо алоқалари ўрнатган. Айрим манбаларда хонликда япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги эслатиб ўтилади [6-Б.161].

Ҳусусан, Хамид Зиёев асарида Хонликдан чет элга асосан ипак ва ипак матолар, пахта, чарм, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, заргарлик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар чиқарилганлигини, чэт элдан эса асосан чой, металл, чинни, уй-рўзғор буюмлари, тайёр газлама, кийим-кечак, пойифзал ва бошқалар келтирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин [9 — Б.122]. Шунингдек муаллиф томонидан 1813-1814 йиллари Қўқонга юборилган Сибир корпуси таржимони, элчи Филип Назаровнинг: “Қўқон ва Қўқон хонлигида пахта ва

тут дарахти жуда кўп экилади. Ҳамма жойда пахта экилганини кўрасиз. Пахтадан қўқонликлар газлама тўқиб, уни рус моллари билан алмаштиради” деган фикрларини келтириб ўтганлигини кўришимиз мумкин [6 – Б.161].

Қўқон хони Умархон даврида (1809-1822 йй.) Қўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги йирик хонликлардан бирига айланиб, сиёсий жихатдан анча мустақамланди. У биринчи галда Қашқар ва Россия давлати билан алоқани кучайтиришга ҳаракат қилди ва бу соҳада муваффақиятларга эришди. Қўқон хонлиги Сибир чегаралари билан савдони кучайтириш учун Россия билан элчилик муносабатларини ўрнатишга қарор қилди. Ўз навбатида, рус ҳукумати ҳам Қўқон хонлиги билан элчилик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилди. Шундай ҳаракатларнинг илк қадами сифатида, рус ҳукуматининг 1810 йилдаёқ Ўрта Жуз қозоқлари султонининг ўғлини Қўқонга юбориб, Сибирга элчи юборилишини хонга таклиф этган эди. Шу тариқа икки ўлка ўртасида ўзаро элчилик алоқалари ривож топа бошлади [10 – Б.195-214]. 1812 йилда давлат маслаҳатчиси ва кавалер Вергин Семипалатинск чегара божхона бошлиғига қуйидагича хабар берган эди: “Ташқи савдо мақсатининг менга хабар беришича, ўтган бир йил ичида Сибир линияси бошлиғи томонидан Осиё халқлари билан савдо алоқаларини кенгайтиришга оид кўрилган чоралар натижасида Қўқон ҳукумдори Умар Сибирда ўз фуқаролари учун эркин савдо очтириш мақсадида саройга элчи юборган ва император ҳазратлари илтифот билан Қўқоннинг таклифини қабул қилиб, уларнинг савдо карвонини авлиё Пертқальясида ҳамда Иртиш линиясидаги Коряковск форпостида қабул қилиб олишни ва одатдаги бож қонун-қоидаларига риоя қилишни буюрди”.

Бинобарин, рус ҳукумати Қўқон хонлигининг ўзаро савдони кучайтириш таклифини мамнуният билан қабул қилди ва бу масалани ҳал этиш тадбирларини белгилади. Бу тўғрида Семипалатинск божхона бошлиғига махсус топшириқ берилиб, унга асосан Қўқонлик савдогарлар билан ўта хушмуомалада бўлишлиги ва Қўқон хонлиги билан савдонинг бориши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ҳафта Петербургга етказиши керак бўлган [11 – Б.107].

Қўқон хонлиги Сибир билан алоқани кучайтиришдан қанчалик манфаатдор бўлса, рус ҳукумати ҳам шунчалик манфаатдор эди. Асарда шунингдек муаллиф томонидан Сибирда яшовчи ўзбеклар, уларнинг тақдири, яшаш шароити тўлиқ ёритилиб ўтилган. Ўша даврда Сибир линияларида ўзбек савдогарларининг уйлари кўп эди. Аммо Сибирлик ҳарбий кишиларга уй етишмас эди. Шу сабабли ҳам Сибир лини-

яларида ҳарбийларни ҳар бир хонадонга жойлаштириш ишлари олиб борилган. Аммо бундай тадбир ўзбек савдогарларини қаноатлантирмади. 1819 йилги маълумотларга қараганда, фақат Семипалатинскда тошкентликларнинг 150 га яқин уйи бор эди. Шунинг учун рус ҳукумати буларнинг уйларига ҳам ҳарбий кишиларни қўйишга мажбур бўлган эди. Натижада 1825 йили ўзбек савдогарларининг оқсоқоли Мирқурбон Ниёзов ушбу масала яъни ўзбек хонадонига ҳарбийларни жойлаштирмаслик юзасидан Ғарбий Сибир бош бошқармасига қилинган мурожаат рад этилди.

1825 йилда Тошкент қушбегиси Мадалихон номидан Соатбек Султонбековни Сибирга элчи қилиб жўнатди. Элчи орқали махсус хат ва генерал-губернаторга совғалар юборилди. Аммо йўлда қозоқ султони Худойминди Ишимхон томонидан таланиб, унинг мол-мулки ва совғалари тортиб олинди [12]. Ушбу масала юзасидан Қўқон элчиси рус маъмуриятига хабар берди ва қозоқларнинг талонига қарши чора кўришни талаб қилади. Қўқон элчисининг талаби рус маъмурияти томонидан бажарилиб Омскка таклиф этдилди. Қўқон элчиси Сибирда яхши кутиб олинди ва у музокара учун Омскка таклиф этилди [13 – Б.25]. Элчи Омскка Ямишев кўли орқали келиб, генерал-губернатор номига ёзилган хатни топширди. Қушбегининг хатида рус ҳукуматининг чегараларни бузиб, хонлик тасарруфидаги кўчманчиларнинг ерларида қурилиш ишларини олиб бораётганлиги, рус ҳукуматининг кўчманчиларни қайси тартибда ўзига қаратаётганлиги ва бу ишнинг адолатсизлик эканлиги уқтириб ўтилган. Бундан ташқари хатда, ўзаро савдогарларга бўлган муносабат ёритилган [14 – Б.30]. Ҳуссан, Қўқон хонлигига савдо ишлари билан келган русларнинг йиллар мобайнида ҳудудда бўлишига қарамай, уларга ҳеч қандай шартлар қўйилмаганлиги, уларни мусулмон динига киришга мажбур этилмаганликлари, аммо рус ҳукумати томонидан бунинг акси кузатилаётганлиги, яъни бирор илтимос билан мурожаат қилган Қўқон савдогарларининг рус фуқаролигига ўтиши талаб этилганлиги ҳамда бундай ҳолатга нисбатан чора кўрилиши маълум қилинганди.

Ўша даврда рус ҳукумати Қарқарали ва Қўкчетов каби жойларда қозоқларни идора қилиб туриш учун бошқармалар ташкил этиб, кўчманчилар ерларининг ичкарасига тобора кириб бормоқда эди. Кўчманчилар орасида Россия таъсирининг кучайиб бориши Қўқон хони ва Тошкент ҳокимини тинчсизлантирганди [1 – Б.55].

1822 йили Қўқон элчиси Соатбек Султонбеков Омскда ўз номидан ёзилган хатни маълум қилди. Ушбу хатда шундай ёзилган эди: “Менинг илтимосим шуки, савдо-сотик хавф-хатарсиз бўлсин. Рус

ҳукумати менга бир кишини қўшиб юборсин. У кишини соғ-саломат яна Россияга келтириб қўйиш мажбуриятини оламан”. Шунингдек, элчи 1822 йилда Тачаев волостидаги карвонбоши Хайирбек карвонининг султон Султонғози Коянчи томонидан таланганлигига қарши чора кўрилишини сўради. Ваҳоланки, 1800 йилда Русс ҳукумати томонидан карвонларнинг таланиши масаласи бўйича Семипалатинскда суд ташкил этилган эди. Суд карвон таланишида айбдор кўчманчиларни рус давлатининг жиноий қонунлари асосида жазога тортиши лозим эди [1 – Б.55]. Аммо ушбу чора-тадбирларга қарамай карвонларнинг таланишига чек қўйилмаганди.

Олим томонидан Қўқон хонлиги ва Сибир линияси ўртасида олиб борилган элчилик алоқалари тарихини ёритишда бир қанча элчиларнинг номлари ҳам келтириб ўтгандир. Хусусан, 1827 йилда Мадалихон томонидан Котибек Фозилов номли элчи рус тахтига чиққан Николай Павловични табриклаш мақсадида Сибирга юборилганлигини ҳамда Қўқонга савдо сотиқ муносабатларини ривожлантириш ва келишиб олиш мақсадида рус элчисининг ташриф буюриши кўзда тутилганди. Ўша даврда Шарқий Туркистондаги кўзғолонлар туфайли, савдо тўхтатилганлиги ҳамда Қўқонга келтирилувчи чойнинг нархи қимматлашиб унга бўлган эҳтиёжнинг зўрайганлиги туфайли Сибир линияларидан олиш ва улар билан савдони кучайтириш кераклиги мақсад қилиб қўйилганлиги, муаллиф томонидан ёритилиб ўтилган [6 – Б.169]. Бундай элчилик алоқаларининг давомийлигини 1827 йилда рус ҳукумати томонидан элчи сифатида Бубенковнинг Қўқонга ташриф буюргани орқали кўришимиз мумкин.

1828 йили Мадалихон томонидан Турсунхўжа ва Мирқурбонҳожини бошчилигида 14 кишидан иборат ўз элчисини Сибирга жўнатади. Омскда Қўқон элчилари махсус кузатувчи ва ҳарбий отряд соқчилигида Петербургга келди. У ерда элчилар шахсан рус императори томонидан қабул қилиниб, Мадалихоннингтабриги ва савдони кучайтириш тўғрисидаги таклифи мамнуният билан қабул қилинганлиги асарда келтириб ўтилган. Қўқон элчиларининг Петербургга келиши ва уларнинг самарали фаолияти натижасида Сибир линияларида Қўқон хонлигининг савдогарлари учун янада қулай шароит туғдириб берувчи махсус фармон чиқарилди. Қўқон элчиларини кўчманчилардан ҳимоя қилиш мақсадида, уларни ўз ватанига кузатиб бориш учун хорунжий Потанин бошчилигида ҳарбий отряд ажратади. Асарда Хорунжий Потанинга катта ҳурмат, иззат-икром кўрсатилганлиги ҳамда Қўқон хонлигида элчиларни кутиб олиш билан шуғулланувчи махсус мансабдор киши яъни шиғовул номи билан юритилган мансаб эгаси

фаолият юритганлигини тўғрисидаги қимматли маълумотлар келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин [15 – Б.102].

Қўқон хонлиги ҳамда Сибир линияси ўртасида бир неча йиллар давомида элчилик алоқалари давом этиб борди. Юқорида келтириб ўтганларимиздан кўриб турибмизки, ушбу элчилик алоқаларида нафақат савдо-сотик муносабатлари балки халқларнинг ўзга юртдаги тақдири, яшаш шароити, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт фаолияти, ўзга юрт ҳукуматининг мусофирларга нисбатан бўлган муносабати акс этилган [15 – Б.159].

Муаллиф Қўқон хонлигининг Сибир линияларидаги ички ва ташқи савдода мустақамланиб олишга ва у ердаги савдогарлар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлигини, ва бу боради бирин кетин ўз элчиларини юбориб турганлигини, ўз навбатида, рус ҳукумати ҳам Сибир орқали Қўқон хонлиги билан алоқани кучайтиришга киришиб кетганлигини, ўзбек савдогарлари учун етарли шароитларни яратиб берганлигини таъкидлаб ўтади. Асар орқали Хонликларнинг рус ҳукуматига мутахасислар сўраб мурожаат этганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Х.Зиеев олиб борган тадқиқотлар натижасида Қозоқ жузларининг Россияга тобе этилиши ҳукмдор табақалар ўртасидаги ўзаро урушларнинг тўхташига сабаб бўлди ва бу ҳолат Ўрта Осиёнинг, жумладан, Қўқон хонлигининг Сибир, Урал, Волга бўйи билан савдо алоқаларига кенг йўл очилганлиги асослаб берилган.

Шунингдек, олим томонидан илк элчилик алоқаларининг ўрнатилиши, Сибир линиялари ва Ўрта Осиё ҳудудларида савдо карвонлари орқали олиб келинган ва олиб кетилган товарлар, икки давлат ўртасидаги элчилик муносабатлари батафсил тадқиқ этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аминов О. XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёнинг Россия билан тарихий ва иқтисодий алоқалари. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, 1958.
2. Бартольд В.В. Коканд. М.:Наука:, 1966г.
3. Соколов А.Я. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. – Ташкент, 1971.
4. Ходжаев А. Из истории международных отношений Центральной Азии в XIII в. Т., 1991г.
5. Ҳамид Зиёевнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти.Т.-2013й.
6. Ҳамид Зиёев. Ўзбекистоннинг Россия билан элчилик ва иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши, ривожланиш тарихи. Т. 2012.

7. Аъзамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунар-мандчилик ва савдо. — Тошкент, 2000.

8. Х.Зиёев. Ўзбекистоннинг каспий-волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи.Т.-2014.

9. Мавлонов Ў. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. — Тошкент: Академия, 2004.

10. С.В.Бахрушин. Сибир и Средняя Азия в XVI-XVII вв. М., 1959.

11. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо-сотиқ тизими. — Тошкент: Академия, 2012.

12. Аъзамова Г.А. Города и городская жизнь в Узбекистане в XVI первой половине XIX веков. Автореф. Дис... док. ист. наук. — Ташкент, 2000.

13. Воҳидов Ш.Ҳ. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарих-нависликнинг ривожланиши. Тарих фани бўйича док. дис. олиш учун Автореферат. — Тошкент, 1998.

14. Мадраҳимов З.Ш. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари. Тарих фани бўйича номз.дисс. олиш учун Автореферат. — Тошкент, 2009.

15. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар). Т.-1962.